

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШЕРМУХАМЕДОВА ФЕРУЗА КАБИЛДЖАНОВНА

СЕМИЗЛИКДА ЎТКИР ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАР
ПАТОГЕНЕЗИДА КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА МЕТАБОЛИК
ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фан докторик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) Contents of
dissertation abstract of doctoral (DSc)**

Шермухамедова Феруза Кобилджановна

Семизликда ўткир цереброваскуляр касалликлар
патогенезида клиник иммунологик ва
метаболик ўзгаришларнинг аҳамияти 3

Шермухамедова Феруза Кобилджановна

Клинико-иммунологические и метаболические
аспекты патогенеза острых цереброваскулярных
заболеваний при ожирении 27

Shermukhamedova Feruza Kabildjanovna

Clinical, immunological and metabolic
aspects of the pathogenesis of acute
cerebrovascular diseases in obesity 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 58

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШЕРМУХАМЕДОВА ФЕРУЗА КАБИЛДЖАНОВНА

СЕМИЗЛИКДА ЎТКИР ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАР
ПАТОГЕНЕЗИДА КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА МЕТАБОЛИК
ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фан докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.DSc/Tib803 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Муратов Фахмиддин Хайридинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Аликулова Нигора Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Уринов Мусо Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тохировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

С.Ж. Асфандиёров номли Қозоғистон миллий тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _соат_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-25, e-mail: info@tma.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 214-82-90).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _куни тарқатилди.

(2025 йил «__» _даги__рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўткир цереброваскуляр касалликлар (ЎЦВК) ханузгача ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳар йили дунёда 12 миллиондан ортиқ янги инсулт ҳолатлари қайд этилади, шулардан 3,5 миллиондан ортиқ киши касаллик оқибатларидан вафот этади. Ишемик инсулт билан касалланганлар сони 65 миллиондан ошиб кетган ва бу кўрсаткич тобора ўсиб бормоқда. Инсултларнинг 60%дан зиёди 70 ёшдан кичик кишиларда, 16%гача эса 50 ёшга тўлмаган шахсларда кузатилади. Айрим давлатларда даволаш, реабилитация ва меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ иқтисодий харажатлар йилига 50 миллиард доллардан ошади. Ёшга мослаштирилган ўлим даражаси пасайганига қарамай, глобал касаллик ёки ханузгача жуда юқори бўлиб қолмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида тарқалишининг ўсиши, рецидивлар сонининг кўпайиши ва даволашнинг юқори харажати ишемик инсултни эрта диагностика, профилактика ва шахсийлаштирилган даволаш бўйича самарали стратегияларни жорий этишни талаб қилувчи долзарб тиббий-ижтимоий муаммога айлантормоқда¹.

Жаҳон тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси юқори бўлишига қарамасдан, ишемик инсулт (ИИ) ханузгача эрта ўлим ва ногиронликнинг етакчи сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида хавф омилларининг кўпайиши янги ва такрорий ҳолатларнинг изчил ўсишига олиб келмоқда. Метаболик бузилишлар - қон босимининг ошиши, қандли диабет ва дислипидемия каби ҳолатларнинг тобора кўпайиб бориши айниқса ташвишлидир, чунки бу ҳолатлар ҳатто ёшларда ҳам ИИ ривожланиши хавфини сезиларли даражада оширади. Шу билан бирга, семизлик ишемик инсулт ривожланишида асосий омиллардан бири сифатида иштирок этади. Йирик проспектив тадқиқотларга кўра, семизлик артериал гипертензия билан биргаликда инсулт эҳтимолини анча оширади. Аниқланганидек, семизлик ва метаболик бузилишларга эга беморларда бирламчи ИИ ривожланиш хавфи 30% дан кўпроққа ўсади. Бу эса инсулт профилактикасида нафақат вазнини камайтириш, балки метаболик бузилишларни барвақт аниқлаш ва тузатишга қаратилган комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда семизлик билан боғлиқ мураккаб ҳолатларда ишемик инсултни аниқлаш ва даволаш бўйича замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий ташаббуслар фаол амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги устувор йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олади: семизликни касаллик кечишини оғирлаштирувчи муҳим омил сифатида аниқлаш; инсултга чалинган беморларда метаболик бузилишларни назорат қилиш самарадорлигининг пасайишини ўз вақтида аниқлаш, бу эса асоратлар ва ногиронлик ривожланишига олиб келади; касаллик ривожланишида ирсий мойиллик ҳиссасини таҳлил қилиш; семизлик фонда ЎЦВКни барвақт аниқлаш усулларини молекуляр-генетик маркерлар асосида

¹ World Stroke Organization: Global Stroke Fact Sheet 2025. <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC11786524/>

такомиллаштириш; инсултнинг оғир оқибатларини камайтиришга қаратилган самарали даво ва эрта реабилитация схемаларини ишлаб чиқиш. Бу борада 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда инсулт асоратларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий ёрдам даражасини янги поғонага кўтариш учун аҳоли ўртасида профилактика чора-тадбирларини олиб боришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш учун зарурий шароитларни яратиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохатларни босқичли давом эттириш тўғрисида», 2003 йил 26 февralидаги ПФ-3214-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини келгусида ислох қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 28 июлидаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимларини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни келгусида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

ЎЦВК ишемик инсултни клиник-иммуногенетик ривожланиш механизмлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришни ўрганишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Harvard Medical School, University of Toronto, University of Bologna, Seoul National University, Johns Hopkins University, University of Melbourne (АҚШ, Канада, Италия, Корея, Австралия); Роберт Koch Institute, National Institute of Health (Германия, АҚШ); Тошкент

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: pubmed.ncbi.nlm.nih.gov, cyberleninka.ru, www.goethe-university-frankfurt.de, www.utexas.edu, ubc.ca, www.berkeley.edu, www.uark.edu, www.virginia.edu, www.pitt.edu, www.ncl.ac.uk, www.uio.no/english, www.useoul.edu, www.pkuf.org, www.gematologiya.uz.

тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

ЎЦВК ишемик инсульт патогенетик хусусиятлари, диагностика, даволашни яхшилаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ахамиятли натижаларга эришилган бўлиб, хусусан, семизлик касаллик кечишига салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири сифатида алоҳида ўрганилган. Жумладан, Германиядаги Institute for Quality and Efficiency in Health Care муассасасида инсульт ҳолатида гомеостаз тизимларининг таъсири, хусусан, семизлик билан боғлиқ метаболик бузилишлар контекстида тадқиқ этилган. DRS (Diabetic Retinopathy Study Research Group), FIELD (The Fenofibrate Intervention and Event Lowering in Diabetes Trial) халқаро лойиҳалари доирасида, шунингдек, АҚШнинг Миллий соғлиқни сақлаш институти ва Миллий кўз институтида ишемик инсультнинг патогенетик механизмлари таҳлили асосида семизлик билан боғлиқ коморбид ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқилган. Кембриж университети (Буюк Британия) олимлари инсультдан кейинги асоратларнинг тез ривожланиши ва реабилитация усуллариининг самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликни, айниқса ортиқча вазнли беморлар орасида ўрганишган. Москвадаги Research Institute of General Resuscitation муассасасида инсульт оқибатидаги клиник, функционал ва ижтимоий ўзгаришлар, семизлик мавжудлигида кучайиши ўрганилган. Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, инсультдан кейин тўлиқ тикланиш фақатгина 10–15% беморларда кузатилади, семизлик эса ижобий натижалар эҳтимолини сезиларли даражада пасайтиради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишемик инсультнинг клиник хусусиятлари ва патогенезини ўрганиш, айниқса унинг этиологияси ноаниқ бўлиб, оқибатлари беморларда кучли ногиронликка олиб келадиган ҳолларда, мураккаб ва долзарб тиббий-ижтимоий вазифа ҳисобланади. Ушбу муаммо, хусусан, инсульт ривожланиши хавфини оширибгина қолмай, унинг кечишини оғирлаштирадиган, тикланиш даволанишининг самарадорлигини пасайтирадиган ва ноқулай натижалар эҳтимолини оширадиган семизлик мавжуд бўлган ҳолларда, алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги замонавий ҳорижий илмий маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида семизликнинг ЎЦВК кечиши ва натижасига таъсирини чуқур ўрганиш зарурати тобора долзарб тус олмоқда. Семизлик ўзгарувчан (модификатсия қилса бўладиган) хавф омилларидан бири сифатида атеросклероз, артериал гипертензия, углевод ва липид алмашинувининг бузилиши билан яқин боғлиқ бўлиб, ишемик инсульт ривожланиши учун патофизиологик асос яратади (Kernan W.N. ва бошқ., 2014; Lavie C.J. ва бошқ., 2017; Whelton P.K. ва бошқ., 2018). Аниқланганидек, ортиқча вазн томир тизимига кўплаб омиллар орқали салбий таъсир кўрсатади: тизимли яллиғланишни кучайтиради, гиперкоагуляцияга олиб келади, қон томир тонусини бошқаришни бузади ва томир деворини шикастлайди (Peters S.A.E. ва бошқ., 2020; Piché M.E. ва бошқ., 2020).

Семизликнинг инсультга таъсирини жинс ва ёшга қараб ўрганиш алоҳида

аҳамиятга эга, чунки эркаклар ва аёллар ўртасидаги метаболик ва гормонал фарқлар, шунингдек, ёш, етук ва қарилик давридаги физиологик ўзгаришлар мия қон айланиш асоратлари хавфи ва оғирлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин (Reeves M.J. ва бошқ., 2008; Appelros P. ва бошқ., 2009). Шу жиҳатдан олимлар диққати тобора ортиб бораётган йўналишлардан бири семизлик ва инсулт ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминловчи молекуляр-генетик омилларни, жумладан яллиғланиш, липид алмашинуви ва тромб ҳосил бўлиш жараёнларини бошқарувчи генлар полиморфизмларини ўрганишдир (Delgado P. ва бошқ., 2012; Casas J.P. ва бошқ., 2004; Hindy G. ва бошқ., 2018). Бу омиллар семизликка эга шахсларда инсултнинг олдини олиш ва даволашда шахсийлаштирилган ёндашувлар учун эҳтимолий нишонлар сифатида кўрилатган муҳим элементлар ҳисобланади. Шу тариқа, семизликни патогенетик жиҳатдан муҳим ҳолат сифатида ҳисобга олиш ЎЦВК бўйича хавф омилларини комплекс таҳлил қилиш ва самарали даво-профилактика стратегияларини ишлаб чиқишда асосий боғловчи бўғинга айланмоқда.

Ўзбекистонда бир қатор олимлар томонидан бош миянинг сурункали ишемияси таъсирида когнитив чақирилган потенциаллар, ишемик инсултдан кейинги мия фаолияти, ишемик инсултнинг ўткир даврида дифференциал терапия масалалари ўрганилган (Халимова Х.М., Якубова М.М., 2009; Рахимбаева Г.С., 2020; Хайдарова Д.К., Маджидова Ё.Н., Ходжаева Д.Т., 2015; Гафуров Б.Г., Мубараков Ш.Р., 2017), бироқ инсулт асоратларини аниқлаш ва даволашда замонавий тиббий ёрдам даражасини оширишга қаратилган профилактик тадбирлар аҳоли орасида ишлаб чиқилмаган. Ривожланган мамлакатларда инсулт меҳнат қобилиятини доимий йўқотишнинг асосий сабаби сифатида 1-ўринда туради: инсултни бошдан кечирган беморларнинг 90%ида ҳаракат функциялари сақланиб қолган бузилишлар туфайли меҳнатга лаёқат чекланган, уларнинг 10%и эса оғир ногиронга айланиб, бошқа кишилар ёрдамига муҳтож бўлиб қолади. Инсулт ва унинг оқибатлари беморлар, уларнинг оилалари ва жамият зиммасига долзарб муаммо ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.11.00.158 «Дорилар билан даволаш тамойилларини оптималлаштириш, бош миянинг қон томир касалликларини асосий патогенетик механизмлари» (2021-2023 йй.) ҳамда FM- 2023041477- «Қон айланиш касалликлари (Уйқу ва ёнбош артериялари атерокальцинози) клиник биокимёвий ва патогенетик муаммолари, неврологик, когнитив, суяк бўғимлари асоратларини даволаш» (2023-2025 йй.) мавзусидаги Республика Олий таълим инновацион ривожланиш вазирлиги грант илмий-лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади семизликда ўткир цереброваскуляр касалликнинг клинко-неврологик ва иммуногенетик хусусиятларини ўрганиш ва уларни даволашда дифференциал ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

семизликда ривожланган ўткир ЦВК ишемик инсульт билан оғриган беморларнинг клиник-неврологик, антропометрик ва метаболик хусусиятларини комплекс таҳлил қилиш;

семизликда ривожланган ўткир ЦВК ишемик инсульт билан оғриган беморларда клиник-биокимёвий ва гемодинамик бузилишларни аниқлаш ва уларнинг касалликнинг оғирлигига таъсирини белгилаш;

семизликда ривожланган ўткир ЦВК ишемик инсульт билан оғриган беморларда IL17A (G197A), TNF α (G308A), IL1b (T-31C), TLR9 (T1237C) ва TLR2 (G2258A) генлари бир нуклеотидли полиморфизмларининг учраш частотаси ва тақсимланишини аниқлаш;

семизлиги бўлган беморларда кўрсатилган иммуногенетик полиморфизмларнинг метаболик бузилишлар ва ўЦВКнинг оғирлиги билан боғлиқлигини аниқлаш;

ўрганилган генетик полиморфизмларнинг ўЦВК ишемик инсульт оқибатлари, шу жумладан беморларнинг функционал тикланишига таъсирини баҳолаш;

семизликка эга ўЦВК ишемик инсультли беморларда касалликнинг оғир кечиши ва ножўя оқибатларининг прогностик предикторларини аниқлаш;

олинган маълумотлар асосида семизликка эга ўЦВК ишемик инсульт беморларни даволашни оптималлаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ўЦВК ишемик инсульт билан касалланган 256 нафар бемор, улардан семизлик мавжуд бўлган 181 нафар, семизлик мавжуд бўлмаган 75 нафар беморлар.

Тадқиқотнинг предмети сифатида семизликда ўЦВК ишемик инсультнинг клиник-неврологик хусусиятларини гемодинамик, биокимёвий ва иммуногенетик текширувлар натижалари асосида комплекс ўрганиш. материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари клиник-неврологик, молекуляр-генетик, инструментал текширув усуллари ва натижаларга статистик ишлов берувчи аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

семизлиги бўлган аёлларда юқори тана вазни индекси билан биргаликда кечувчи оғир метаболик ва гемодинамик бузилишларни ишемик инсульт ривожланишидаги патогенетик ўрни аниқланган;

илк бор семизлик ва семизликсиз ўзбек миллатига мансуб ишемик инсульт ривожланган беморларда IL-17 гени G197A, IL1b гени T-31C, TNF-а гени G308A, TLR-9 гени T1237C ва TLR-2 гени G2258A генотип полиморфизмининг G/G генотипларнинг учраш частотаси аниқланган;

IL17A гени G197A полиморф вариантларининг ассоциацияси A/A вариантли гомозигота генотип (OR=6,31) ва G/A гетерозигота (OR=2,61) генотипли беморларда ишемик инсульт ривожланиш хавфини ошириши, G/G генотип ИИ га нисбатан протектив маркер эканлиги исботланган;

G/A гетерозигота генотипли G197A IL17A гени полиморфизми

ассоциацияси брахиоцефал артерияларни оғир ва критик даражадаги стенози ўзаро боғлиқлиги семизликда ишемик инсульт ривожланиш хавфини 1,8 марттага ($OR=8,94$) ошириши аниқланган;

клиник, лаборатор ва иммуногенетик омилларни интеграциялаш асосида семизлиги бўлган беморларда ишемик инсульт оғирлигининг прогностик моделини прогностик қийматни ($AUC>0,80$) кўрсатди, бу эса беморларни хавф даражаси бўйича фарқлаш ва даволаш тактикасини оптималлаштириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

семизликка эга бўлган беморларда ўткир ишемик инсультнинг клиник-неврологик, метаболик ва иммуно -генетик (IL17A, TNF α , IL1b, TLR9, TLR2), ўтказилган тадқиқот натижалари клиник амалиётда қўллаш тавсия этилган;

клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик омиллар интеграциясига асосланган ишемик инсульт оғирлигини башорат қилиш методикаси беморларни хавф даражасига кўра тартиблаш имконини беради, бу эса даволаш тактикасида асослироқ танлов қилишга ва ноқулай прогнозга эга беморларни интенсив юритишга тавсия қилинган;

гипоталамус фосфолипидлари ва розувастатин-эзетимиб қўллаш асосида таклиф этилган оптималлаштирилган комплекс терапиянинг самарадорлигини оширишга қаратилган шахсийлаштирилган ёндошув асосида прогностик шкала ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган объектив клиник, неврологик, лаборатор усуллар ва статистик усуллар асосида ЎЦВКнинг клиник-иммуногенетик ривожланиш механизмлари, ташхислаш ва даволашни касалликнинг турига, беморларнинг жинс ва ёш хусусиятларига кўра баҳолашнинг ўзига ҳослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

семизликка эга беморларда ишемик инсульт ривожланишининг патогенетик механизмларини чуқурроқ англашда, шунингдек, касаллик оғирлигини шакллантиришда иммуногенетик ва метаболик омилларнинг ролини асослашда IL17A (G197A), TNF α (G308A), IL1b (T-31C), TLR9 (T1237C) ва TLR2 (G2258A) генларининг бир нуклеотидли полиморфизимлари билан ишемик инсульт оғирлиги, брахиоцефал артерияларининг оғир стенози ўртасида аҳамиятли ассоциация аниқланди, бу эса ушбу генларнинг семизликда қон-томир хавфини шакллантиришда иштироки билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, клиник, лаборатор ва молекуляр-генетик омилларни интеграция қилиш асосида ишлаб чиқилган инсульт оғирлигини прогноз қилиш методикаси хавфни аниқроқ стратификация қилиш ва даволаш тактикасида асосланган танлов қилиш

имконини беради, бу гипоталамус фосфолипидлари ва розувастатин-эзетимибни ўз ичига олган таклиф этилган комплекс терапия семизлик фонидagi ўЦВК беморларида клиник самарадорликни намoён қилди ҳамда неврологик ҳолатнинг ишончли яхшиланиши билан изоҳланади..

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши семизликда ўткир цереброваскуляар касалликнинг клинико-неврологик ва иммуногенетик хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни даволашга дифференциаллаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: семизлиги бўлган аёлларда юқори тана вазни индекси билан биргаликда кечувчи оғир метаболик ва гемодинамик бузилишларнинг ишемик инсульт ривожланишидаги патогенетик ўрни аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 ноябрь 11-23/210-t- сон билан тасдиқланган «Ожирение и острые цереброваскулярные нарушения» ва 2024 йил 9 апрелда 04-24/120-х-сон билан тасдиқланган «Алгоритм диагностики и комплексной терапии острых цереброваскулярных нарушений при ожирении» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 26.12.2023 йилдаги 118-сон, ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиника интенсив терапия бўлими 25.12.2023 йилдаги 186-сон, Республика илмий шошилинч тиббий ёрдам Наманган филиали 18.03.2024 йилдаги №64/1 ва Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази №21, 18.03.2024 амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июль 21-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* иммуногенетик омиллар (IL-17, IL1β, TNF-α, TLR-9, TLR-2 генлар полиморфизмлари) ва семизликка эга беморларда ишемик инсульт ривожланиш хавфи ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланиши ва исботланиши инсультни ташхислаш ва профилактикасида шахсийлаштирилган ёндашувни шакллантиришга асос бўлди. Дифференциал ташхислаш алгоритми юқори генетик хавфга эга бўлган шахсларни эрта аниқлашни таъминлайди, бу эса хавф омилларини ўз вақтида даволаш, ногиронликни олдини олиш ва ўлим ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради. Профилактика ва даволашда индивидуал тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширади ҳамда узок муддатли неврологик прогнозни яхшилади, бу айниқса метаболик бузилишларга эга меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами учун жуда долзарб ҳисобланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* семизликка эга беморларда ўЦВК ҳолатларида генетик скрининг ва индивидуал даволаш Алгоритмини жорий этиш юқори харажатли стационар ёрдам харажатларини оптималлаштириш, интенсив терапия бўлимларида ётиш муддатини қисқартириш ва оғир асоратлар ҳамда қайта инсультлар сонини камайтириш имконини беради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, таклиф этилган ёндашувларни амалга ошириш ҳар бир беморга тўғри келувчи 1200000 сўмгача иқтисодий самара беради, бу эса узок муддатли реабилитация, қайта госпитализация ва иккинчи даражали даволаш эҳтиёжини камайтириш ҳисобига эришилади. Бўшаган ресурслар амбулатор хизматларни ривожлантириш, профилактик тадбирлар ўтказиш ва генетик

маслаҳат хизматларини кенгайтиришга йўналтирилиши мумкин. Ушбу илмий янгиликни клиник амалиётга жорий этиш семизлик фонидagi ЎЦВКга эга беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни самарали ва иқтисодий жиҳатдан асосланган моделини шакллантиришга хизмат қилади. Бу эрта ташхислаш ва индивидуал даволаш имкониятларини кенгайтиради, шунингдек, юқори метаболик хавфли популяцияда инсулт билан боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий йўқотишларни барқарорлигини таъминлайди.

иккинчи илмий янгилик: илк бор семизлик ва семизликсиз ўзбек миллатига мансуб ишемик инсулт ривожланган беморларда IL-17 гени G197A, IL1b гени T-31C, TNF-a гени G308A, TLR-9 гени T1237C ва TLR-2 гени G2258A генотип полиморфизмининг G/G генотипларнинг учраш частотаси аниқланди. Олинган маълумотлар иммуногенетик омиллар инсулт ривожланиши хавфини ошириши билан бирга, касаллик оғирлик даражасини шаклланишида ҳам иштирок этиб, бу ҳолат тизимли яллиғланиш, атероген жараёнлар ва мияда қон айланишини бузилиши билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Бу натижалар метаболик синдром билан боғлиқ инсултнинг патогенетик моҳиятини яхшироқ англаш имконини яратадиган таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 ноябрь 11-23/210-т-сон билан тасдиқланган «Ожирение и острые цереброваскулярные нарушения» ва 2024 йил 9 апрелда 04-24/120-х-сон билан тасдиқланган «Алгоритм диагностики и комплексной терапии острых цереброваскулярных нарушений при ожирении» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Бухоро вилояти куп тармокли тиббиет маркази бўйича 26.12.2023 йилдаги 118-сон, ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармокли клиника интенсив терапия бўлими 25.12.2023 йилдаги 186-сон, Республика илмий шошилинч тиббий ёрдам Наманган филиали 18.03.2024 йилдаги №64/1 ва Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази №21, 18.03.2024 амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июль 21-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* яллиғланиш ва туғма иммун тизими генлари полиморфизмлари семизликда инсулт оғирлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик клиник-генетик асосда беморларни стартификация қилишга имкон берди. Бу касалликни оғир кечиши эҳтимоли юқори бўлган шахсларни эрта аниқлаш, даволаш ва агрессив профилактика имкониятини яратади, натижада ногиронлик ва ўлим ҳолатлари камаяди. Персоналлаштирилган тиббиётнинг оммалашуви ва тиббий ресурсларни манзилли тақсимлаш имкониятлари ошади. *Иқтисодий самарадорлиги:* генетик жиҳатдан ноқулай профилга эга беморларни эрта аниқлаш, инсултни оғир кўринишларини олдини олишга, интенсив даволаш ва шифохонада бўлиш муддатини қисқартиришга ёрдам беради. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, оғир инсулт бўлган ҳар бир бемор учун сарф-харажатлар 1500000 сўмгача камайиши мумкин, бу реабилитация, ижтимоий ёрдам ва меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Бу маблағлар скрининг дастурлари ва хавф гуруҳидаги шахслар учун

профилактик тадбирларга йўналтирилиши мумкин. Мазкур илмий янгиликни амалиётга жорий этиш семизлик ва инсультни бирга кечираётган беморлар учун хавфни баҳолаш ва бошқаришда сифат жиҳатдан янги ёндашув яратади. Бу тиббий ёрдамни манзиллилаштириш, оғир асоратларни камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва тиббиёт соҳасидаги харажатларни оптималлаштиришга ёрдам беради.

учинчи илмий янгилик: IL17A гени G197A полиморф вариантларининг ассоциацияси A/A вариантли гомозигота генотип ($OR=6,31$) ва G/A гетерозигота ($OR=2,61$) генотипли беморларда ишемик инсульт ривожланиш хавфини ошириши, G/G генотип эса протектив маркер эканлиги исботланди.

Олинган маълумотлар иммуногенетик омиллар инсульт ривожланиши хавфини ошириши билан бирга, касаллик оғирлик даражасини шаклланишида ҳам иштирок этиб, бу ҳолат тизимли яллиғланиш, атероген жараёнлар ва мияда қон айланишини бузилиши билан боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Бу натижалар метаболик синдром билан боғлиқ инсультнинг патогенетик моҳиятини яхшироқ англаш имконини яратадиган таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 ноябрь 11-23/210-т-сон билан тасдиқланган «Ожирение и острые цереброваскулярные нарушения» ва 2024 йил 9 апрелда 04-24/120-х-сон билан тасдиқланган «Алгоритм диагностики и комплексной терапии острых цереброваскулярных нарушений при ожирении» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Бухоро вилояти куп тармокли тиббиёт маркази бўйича 26.12.2023 йилдаги 118-сон, ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармокли клиника интенсив терапия бўлими 25.12.2023 йилдаги 186-сон, Республика илмий шошилиш тиббий ёрдам Наманган филиали 18.03.2024 йилдаги №64/1 ва Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази №21, 18.03.2024 амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июль 21-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* яллиғланиш ва туғма иммун тизими генлари полиморфизмлари семизликда инсульт оғирлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик клиник-генетик асосда беморларни стартификация қилишга имкон берди. Бу касалликни оғир кечиши эҳтимоли юқори бўлган шахсларни эрта аниқлаш, даволаш ва агрессив профилактика имкониятини яратади, натижада ногиронлик ва ўлим ҳолатлари камаяди. Персоналлаштирилган тиббиётнинг оммалашуви ва тиббий ресурсларни манзилли тақсимлаш имкониятлари ошади. *Иқтисодий самарадорлиги:* генетик жиҳатдан ноқулай профилга эга беморларни эрта аниқлаш, инсультни оғир кўринишларини олдини олишга, интенсив даволаш ва шифохонада бўлиш муддатини қисқартиришга ёрдам беради. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, оғир инсульт бўлган ҳар бир бемор учун сарф-харажатлар 1500000 сўмгача камайиши мумкин, бу реабилитация, ижтимоий ёрдам ва меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Бу маблағлар скрининг дастурлари ва хавф гуруҳидаги шахслар учун профилактик тадбирларга йўналтирилиши мумкин. Мазкур илмий янгиликни

амалиётга жорий этиш семизлик ва инсультни бирга кечираётган беморлар учун хавфни баҳолаш ва бошқаришда сифат жиҳатдан янги ёндашув яратади. Бу тиббий ёрдамни манзиллилаштириш, оғир асоратларни камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва тиббиёт соҳасидаги харажатларни оптималлаштиришга ёрдам беради.

тўртинчи илмий янгилик: G/A гетерозигота генотипли G197A IL17A гени полиморфизми ассоциацияси брахиоцефал артерияларни оғир ва критик даражадаги стенози ўзаро боғлиқлиги семизликда ишемик инсульт ривожланиш хавфини 1,8 марттага (OR=8,94) ошириши аниқланган. Олинган маълумотлар ушбу генетик вариантлар бош мия қон томирларида атеросклероз жараёнининг тез суръатда ривожланишига олиб келувчи томир мустаҳкамлигининг молекуляр-генетик маркерлари сифатида қараш мумкинлигини кўрсатди. Бу илмий янгилик семизлик фонидagi ЎЦВК патогенезини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради ҳамда иммуногенетик кўрсаткичларни томир хавфини баҳолаш моделларига киритиш зарурлигини асослаб бериши бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 ноябрь 11-23/210-t-сон билан тасдиқланган «Ожирение и острые цереброваскулярные нарушения» ва 2024 йил 9 апрелда 04-24/120-x-сон билан тасдиқланган «Алгоритм диагностики и комплексной терапии острых цереброваскулярных нарушений при ожирении» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 26.12.2023 йилдаги 118-сон, ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиника интенсив терапия бўлими 25.12.2023 йилдаги 186-сон, Республика илмий шошилинч тиббий ёрдам Наманган филиали 18.03.2024 йилдаги №64/1 ва Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази №21, 18.03.2024 амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июль 21-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* семизликда магистрал артерияларнинг оғир стенозлашган шикастланишларига генетик мойилликни аниқлаш инсультнинг клиник белгиларини намоён бўлишида юқори хавф гуруҳларини аниқлаш имконини беради. Бу эса эрта ангиографик назорат ва профилактик тадбирларни амалга оширишга (даволаш, ҳаёт тарзини ўзгартириш, жарроҳлик муолажалари) имкон яратади. Натижада ногиронлик ҳолати камайиши, меҳнатга лаёқатлилиқ ёшини узайиши ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* брахиоцефал артериялар стеноз хавфи генетик асосда стартификация қилиш беморларни тўғри йўналтиришни оптималлаштиради, кечикиб қилинган ва қимматбаҳо муолажалар (шу жумладан, шошилинч тромбозис ва реанимацион ёрдам) дан қочишга ёрдам беради, ҳамда қон-томир оғир зарарланиш тезлигини камайтиради. Дастлабки баҳолашлар инсультни олдини олиш ва шифохонага ётқизиш, ангиопластика ҳамда узоқ муддатли реабилитация харажатларини камайтириш орқали ҳар бир беморга тўғри келувчи иқтисодий самара 1800000 сўмгача етиши мумкин. Хулоса: ушбу илмий янгиликни амалиётга жорий этиш семизликка чалинган беморларда молекуляр-генетик механизмларга асосланган юқори аниқликдаги

кон-томир хавфини баҳолаш моделини шакллантиришга ёрдам беради. Бу стенозларни скрининг қилиш ва иккиламчи профилактиканинг самарадорлигини оширади, соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган юкни камайтиради ва инсультгача бўлган босқичларда ресурслардан манзилли фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

бешинчи илмий янгилик: клиник, лаборатор ва иммуногенетик омилларни интеграциялаш асосида семизлиги бўлган беморларда ишемик инсульт оғирлигининг прогностик моделини прогностик қийматни ($AUC > 0,80$) кўрсатди, бу эса беморларни хавф даражаси бўйича фарқлаш ва даволаш тактикасини оптималлаштириши аниқланган. Ушбу иммуногенетик ва метаболик комбинацияли беморларда инсультни оғир кечиши, NIHSS, mRS ва когнитив функцияларини баҳолаш шкалалари бўйича динамикада тикланиши секинланиши аниқланди. Бу эса ушбу генетик маркерларни семизликда инсультнинг эрта бошланиши ва оғир кечиши учун предиктор сифатида қараш имконини берадиган таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 ноябрь 11-23/210-t-сон билан тасдиқланган «Ожирение и острые цереброваскулярные нарушения» ва 2024 йил 9 апрелда 04-24/120-x-сон билан тасдиқланган «Алгоритм диагностики и комплексной терапии острых цереброваскулярных нарушений при ожирении» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 26.12.2023 йилдаги 118-сон, ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиника интенсив терапия бўлими 25.12.2023 йилдаги 186-сон, Республика илмий шошилинч тиббий ёрдам Наманган филиали 18.03.2024 йилдаги №64/1 ва Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази №21, 18.03.2024 амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 7 июль 21-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* генетик маркерлар инсультни эрта, оғир шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш оғир кечиш эҳтимоли юқори ва компенсация имкониятлари чекланган беморларни алоҳида категория сифатида ажратиш имконини беради. Бу эса семизлик ва ўрганилган полиморфизмларга эга беморларни эрта кузатув, назорат ва агрессив профилактик тадбирларни амалга ошириш асосини яратади. Бу ўз навбатида бирламчи ногиронлик даражасини пасайтиради ва неврологик ёрдам сифатини оширади. Шу тариқа амалиётда ногиронликни олдини олишга қаратилган юқори даражадаги тиббий ёндашув жорий этилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* инсультни оғир кечишига мойил беморларни эрта аниқлаш узок муддатли реабилитация, такрорий госпитализация ва ижтимоий хизматлар ҳаражатларини камайтиришга ёрдам беради. Бир беморга тўғри келадиган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тахминий тежалиши 2200000 сўмни ташкил қилади. Бу тикланиш даврининг қисқариши, меҳнат қобилиятини йўқотиш, ногиронлик нафақасига эҳтиёжни камайиши билан боғлиқ. Бошқа ресурслар хавф гуруҳларида проспектив мониторинг ва профилактика дастурни кенгайтиришга йўналтирилиши мумкин. Хулоса: ушбу илмий янгиликни амалиётга жорий этиш семизликда инсультни эрта прогноз қилиш ва уни

олдини олишга қаратилган самарали тизимни шакллантиришга ёрдам беради. Бу бирламчи профилактикани сезиларли даражада оширади, даволаш тактикаси оптималлаштирилади ва инсультнинг ножўя оқибатлари билан боғлиқ тиббий, ижтимоий ва иқтисодий харажатларни камайтиради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 45 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, шундан 8 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 190 бетни ташкил қилади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Семизликда ривожланган ўткир цереброваскуляр касалликлар муаммосига замонавий қараш» деб номланган биринчи бобида (адабиётлар шарҳи) ишемик инсульт ва семизлик ривожланишига бағишланган манбалар таҳлили ўтказилган, уларни учраш частотаси ҳақида маълумотлар келтирилган. ЎЦВК ривожланишининг хавф омиллари ва генетик жиҳатлари, семизлик фонида ИИ билан оғриган беморларни комплекс ташхислаш ва даволаш усуллари ёритилган.


Диссертациянинг «Семизликда ривожланган ЎЦВК тадқиқоти материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида клиник, лаборатор, ультратовуш, радиологик тадқиқот усуллари тавсифланган. Тадқиқот 2020- 2024 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг интенсив неврология ва неврология бўлимларида ўтказилди. Тадқиқотга тасдиқланган цереброваскуляр патология билан 256 нафар беморлар киритилган бўлиб, улар икки гуруҳга бўлинган: асосий ($n=181$) - семизлик фонида ЎЦВК билан оғриган беморлар ($TВИ \geq 30 \text{ кг/м}^2$); назорат гуруҳи ($n=75$) - семизликсиз ЎЦВК билан оғриган беморлар ($TВИ < 30 \text{ кг/м}^2$).

1- расмда беморларнинг жинси бўйича тақсимоти назорат ва асосий гуруҳлар бўйича кўрсатилган.



1-расм. Жинс бўйича гуруҳлар ўртасидаги тақсимот

Асосий гуруҳда аёллар улуши 53,659% ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги худди шундай кўрсаткичдан сезиларли даражада юқори (38,7%). Аксинча, назорат гуруҳидаги эркаклар улуши асосий гуруҳдаги 46,4% нисбатан юқори - 61,3% ташкил этди. Барча текширилган беморларнинг ўртача ёши $62,6 \pm 9,03$ ёшни ташкил этди. Асосий гуруҳда ўртача ёш $61,5 \pm 8,1$ ёшни, назорат гуруҳида эса $65,4 \pm 10,5$ ёшни ташкил этди. Ёш фарқлари жинс кесимида таҳлил қилинганда, асосий гуруҳдаги аёлларнинг ўртача ёши $62,9 \pm 7,24$ ёш, назорат гуруҳида эса $64,07 \pm 12,62$ ёш эканлиги аниқланди. Эркакларда мос равишда - $60 \pm 8,76$ ёш ва $66,17 \pm 9,00$ ёшни ташкил қилди. Аниқланган фарқларга қарамай, статистик таҳлил гуруҳлар ўртасида ёш бўйича сезиларли фарқларни аниқламади ($p > 0,05$), бу эса уларни ушбу параметр бўйича шартли равишда таққосланган деб ҳисоблаш имконини беради (2-расм).



2-расм. Гуруҳдаги беморларни ёш бўйича кўрсаткичлари


Шуни таъкидлаш керакки, гуруҳлар ёш ва жинс бўйича фарқ қилиши мумкин, чунки семизлик ривожланишининг гендер ва ёш хусусиятлари ўрганилаётган омиллар қаторига киради. Ушбу параметрлар беморларнинг клиник-метаболик ва иммуногенетик профилига қўшган ҳиссасини аниқлаш мақсадида тадқиқотнинг махсус кичик босқичи доирасида алоҳида таҳлил қилинди.

Барча 256 нафар беморларда ИИ ташхиси компьютер томография текшируви билан тасдиқланди. Бемор умумий аҳволини оғирлиги ва

неврологик бузилишларни ифодаланганлиги NIHSS, Бартел ва Скандинавия шкалалари ёрдамида даволашнинг 1, 10, 35-кунлари ва 3, 6 ойларида баҳоланди. Қўшимча равишда молекуляр-генетик таҳлил ўтказиш учун 187 нафар бемордан иборат кичик танлов гуруҳлари шакллантирилди: А кичик гуруҳи - ЎЦВК ва семизлик бўлган 64 бемор; Б кичик гуруҳи - семизликсиз ЎЦВК билан оғриган 32 бемор; Генетик таҳлил учун назорат гуруҳи - анамнезида ЎЦВК ва семизлик бўлмаган 91 нафар амалий соғлом шахс танланди.

Диссертациянинг «Семизликда ривожланган ишемик инсультнинг клиник- антропометрик, неврологик, гемодинамик ва биокимёвий хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида клиник, лаборатор, ультратовуш, радиологик текширув усуллари натижалари ёритилган.

Семизликда ишемик инсультнинг эрта пайдо бўлиши, ортиқча тана вазни ва ёш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилди. Таҳлил доирасида асосий ва назорат гуруҳларига киритилган барча беморлар, шунингдек жинси, ёши, бўйи, тана вазни индекси (ТМИ) маълумотлари ҳисобга олинди (3-расм).




3-расм. Ёш ва семизлик даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Беморларнинг ўртача ёши бўйича таққослаш шуни кўрсатдики, 45 ёшдан кичик гуруҳда меъерий ТВИга эга бўлган беморлар қайд этилмаган. Кўпчилик (85,7%) беморларда ортиқча тана вазни ёки семизлик мавжуд бўлган, бу эса ёшликда семизлик ишемик инсультнинг эрта ривожланишига ёрдам берувчи асосий омил эканлигидан далолат беради. Беморларнинг 3,33%да семизлик олди ва I даражали семизлик, 2,86% ва 1,96%да эса мос равишда II ва III даражали семизлик аниқланган. 46–54 ёшли гуруҳда барча ТВИ даражаларини қамраб олган кенг диапазон билан характерланади. Бу III даражали семизликка эга беморлар сони энг юқори (23,53%) бўлиб, метабolik бузилишлар бошланганини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, I даражали семизлик (16,67%) ва семизлик олди ҳолати (8,33%) юқори улушни ташкил этди. Шунга қарамасдан, 26,67% беморларда меъерий ТВИни сақланиб қолган, бу ушбу ёшдаги когортда инсульт хавфининг бир хил эмаслигини таъкидлайди.

Умуман олганда, асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида тана вазни ва жинси қайд этилган фарқлар, ЎЦВК билан касалланган беморларда семизликни клиник-демографик профилига бўлган салмоқли таъсирини намоён этади. Бу келгусида иммунологик, метаболик ва генетик кўрсаткичларни шу омиллардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш зарурлигини асослаб беради. Беморларни ўртача ёши бўйича таққослаш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда семизлик фонидаги ишемик инсульт назорат гуруҳига (семизликсиз) нисбатан ($61,47 \pm 8,07$) ёшда ривожланган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $65,36 \pm 10,52$ ёшни ташкил этган. Бироқ ушбу фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган ($p > 0,05$). Аёллар орасида ўртача ёш асосий гуруҳда $62,74 \pm 7,33$ ёш, назорат гуруҳида эса $64,07 \pm 12,62$ ёшни ташкил этган. Эркакларда эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда $60,0 \pm 8,67$ ва $66,17 \pm 9$ ёш бўлган, бу эса семиз эркакларда инсульт дебют ёшида сезиларли сурилиш мавжудлигини кўрсатади. Шундай қилиб, ишончли фарқлар мавжуд бўлмасада, ортиқча вазн ва семизликка эга беморларда, айниқса эркаклар орасида, ишемик инсультни эрта ривожланиш тенденцияси кузатилди.

NIHSS бўйича ўртача кўрсаткичлар гуруҳлараро ишончли фарқларга эга бўлган. Бу семизликка эга 90% беморларда касаллик (60%) оғир ва (30,0%) ўта оғир кузатилган. Шу билан бирга, семизликсиз гуруҳдаги беморлар орасида 34,9% - ўртача оғир, 60,2% -оғир ва 4,8% ўта оғир деб баҳоланган (4- расм). Ишемик инсульт асосан 3-даражали семизлик билан оғриган беморларда оғир кечди. NIHSS шкаласи бўйича 3-даражали семизлик кузатилган беморларни 69,3% ҳолларда касаллик оғирлик даражаси ўта оғир, 2-даражали семизлик билан оғриган беморлар орасида 37,8% ўта оғир деб баҳоланди. Шунини таъкидлаш керакки, ўта оғир инсульт билан оғриган беморларнинг 54,7% да 2 ва 3-даражали семизлик, 30% да 1-даражали семизлик ва 13,7%да кузатилган.



4-расм. ЎЦВК ИИ NIHSS бўйича оғирлиги ва ТВИ (семизлик) билан ўзаро боғлиқлиги

Дислипидемия даражасини баҳолаш учун чегаравий меъёрлардан фойдаланилди ва шу асосда беморлар семизликка эга шахслар сифатида белгиланди. Семизлик мавжуд бўлган гуруҳда қондаги липид профили кўрсаткичлари (айниқса ПЗЛП) беморларнинг учдан бир қисмида референт қийматдан юқори бўлган, триглицерид даражаси эса барча беморларда (100%) чегаравий қийматдан ошган. Семизликсиз гуруҳда ҳам липид кўрсаткичлари беморларнинг ярмидан кўпроғида меъёрдан ошган. Беморларнинг 81,9% да ЮЗЛП даражасининг жиддий чекланиши кузатилган. Холестерин даражаси 3 хил асосда ўзгариши аниқланган бўлиб, ҳар икки гуруҳда холестерин миқдори унчалик катта бўлмаган ортиши устун бўлган: семизликка эга беморларда 52,4%, семизликсиз гуруҳда эса 50,6% ташкил этган.

Семизлик кузатилган барча беморларда гипергликемия аниқланган. Улардан 98,10% да оч қаринда қондаги глюкоза даражаси 7,1 ммоль/л дан юқори бўлган, бу эса глюкоза алмашинувидаги жиддий бузилишни кўрсатди. Бемор аҳволи оғирлиги билан қонда глюкоза даражаси ўртасида тўғри корреляция кузатилган ($r=0.54$; $p<0,001$). Бу қуйидаги гуруҳларда ўртача кўрсаткичлар ишончли фарқлар билан намоён бўлган: касалликни ўртача оғир гуруҳида - 7,1 (6;8,3) ($p<0,001$), жуда оғир гуруҳда — 10,35 (8,5;15,7) ($p<0,001$). Касалликни оғир гуруҳида фарқлар ишончли бўлмади (9 (6,05;10,9), $p=0,902$).


Дуплекс сканерлаш натижалари бўйича гуруҳлар орасида ишончли фарқ кузатилган. Семизлик кузатилган беморларда стеноз даражаси юқорилиги аниқланган. Энг кўп фарқ тўлиқ окклюзия ҳолларида кузатилган: уларнинг 78,57% - семизлик фонидаги ишемик инсультга эга беморлар, 21,43% - семизликсиз беморлар бўлган. Дуплекс сканерлаш натижалари ва NIHSS баҳолаш таҳлилига кўра, касалликни ўта оғир бўлган беморлар орасида тўлиқ окклюзия (36,36%) ва 60% дан юқори стеноз (40,91%) ҳолларда учраган, 60% дан кичик стеноз 18,18% беморларда аниқланган. Касалликни оғир гуруҳида 60% дан юқори стеноз — 30,77%, 60% дан кичик стеноз — 42,31%, тўлиқ окклюзия — 7,69% беморларда кузатилган. Касалликни ўртача оғир гуруҳида асосан меъёрий томир кенглиги (55,56%) ва 60% дан кичик окклюзия (33,33%) аниқланган. Бу гуруҳда тўлиқ окклюзия бўлмаган, 60% дан юқори стеноз эса 11,11% беморда аниқланган.

Диссертациянинг «Семизлик фонида кечувчи ЎЦВК патогенезида генетик маркерлар ўрни» Ушбу бобда яллиғланиш реакциясини тартибга солиш ва туғма иммун тизимини фаоллаштиришда функционал иштирок этувчи генлар полиморфизми таҳлил қилинган:

Генетик маълумотларни таҳлил қилишда генотиплар ва аллелларнинг частоталарини ўрганиш, Харди-Вайнберг қонунига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, аниқланган генетик полиморфизмлар ва семизлик фонида цереброваскуляр бузилишларни ривожланиш хавфи ўртасидаги

ўзаро боғлиқликни баҳолаш билан гаплотип ва ассоциатив таҳлилларни ўз ичига олади. Қуйидаги бир нуклеотидли полиморфизм генлари (SNP) частотаси ўрганилди: IL17A генининг G197A (rs2275913), TNF α генининг G308A (rs1800629), IL1 β генининг T-31C (rs1143627), TLR9 генининг T1237C (rs5743836), TLR2 генининг G2258A (rs5743708). Таҳлил қилиш учун рестрицион фрагментлар таҳлили билан полимераза занжир реакцияси усули (ПЗР-РФЛП) қўлланилди. Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган гематология илмий- амалий тиббиёт марказининг молекуляр диагностика лабораториясида ўтказилди.


IL17A генининг G197A полиморфизми аллеллар ва генотиплар частотасини таҳлил қилишда ЎЦВК билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида сезиларли фарқлар аниқланди (5-расм).



5-расм. Семизлиги бўлган ва бўлмаган ЎЦВК билан оғриган беморлар гуруҳларида IL17A (G197A) генининг rs2275913 полиморфизми генотипларини учраш частотаси


Олинган натижалар семизлиги бўлган ва бўлмаган беморларда IL17A генининг (G197A) полиморфизмини ЎЦВК ривожланиши билан ишончли боғлиқлигини кўрсатди. А аллелини мавжудлиги ва G/A ва A/A генотиплар ташувчанлиги ЎЦВК ривожланиш хавфини 2-6 бараварга оширади, G/G гомозигот генотипи эса инсульт хавфини камайтириш билан боғлиқ. Семизлик бўлган ва бўлмаган кичик гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларнинг йўқлиги ушбу полиморфизм цереброваскуляр патология шаклланишида мустақил патогенетик ролини кўрсатди.

Ўтказилган таҳлил натижалари TNF α гени G-308A полиморфизми умуман ЎЦВК мавжудлиги, шунингдек, ҳамроҳ омил сифатида семизлик билан статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқлиги аниқланмади. Олинган натижалар ушбу полиморфизмни ўрганилаётган популяцияда ЎЦВК шаклланишида эҳтимолий нейтрал ролини кўрсатди (6-расм).




6-расм. Семизлиги бўлган ва бўлмаган ЎЦВК билан оғриган беморларда TNF α гени G -308A (рс2275913) полиморфизмини аллеллар ва генотипларни учраш частотаси

Тадқиқот гуруҳларида IL1 β гени T-31C полиморфизми аллеллар ва генотипларни тақсимлаш таҳлили ЎЦВК билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида яқин қийматларни кўрсатди. IL1 β гени T-31C полиморфизмининг семизлик билан биргаликда, умуман олганда цереброваскуляр касалликлар ривожланиши билан статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқлиги йўқлигини кўрсатди. Олинган маълумотлар барча ўрганилган гуруҳларда ушбу полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг деярли бир хил частотасини кўрсатди (7-расм).




7-расм. Семизлиги бўлмаган ва бўлмаган ЎЦВК билан оғриган беморларда IL1 β гени T-31C полиморфизми генотипларини учраш частотаси

TLR-9 гениг T-1237C полиморфизми аллеллари ва генотипларини тақсимланиш таҳлили ЎЦВК билан оғриган беморларда назорат гуруҳига нисбатан C минор аллелини ва T/C гетерозиготасини ташиш частотасининг ошишига яққол, аммо статистик жиҳатдан ишончсиз тенденцияни кўрсатди. Бироқ, ҳозирги намуна ҳажмида фарқлар статистик аҳамиятлилик даражасига етмаган, бу эса аниқ боғлиқликнинг йўқлигини, кенгроқ материалда қўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатди (8-расм).



